O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYAT
NAVBAHOR TUMANI HOKIMINING

QARORI

210200, Navbahor t., Bobursho‘h k 4, tel: (79) 562-15-82, 562-11-84, 562-14-76,
e-mail: navbahor@nv.uz, info@navbahor.uz

2023 - yil 9 - yanvar 2-5-73-Q/23 Navbahor tuman hokimligi

Туманда 2023-йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 9-мартдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (кейинги ўринларда - Низом) мувофиқ транспорт воситаларининг 2023-йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Туманда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг 2023-йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи энгил автомобиллар, автобуслар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари -

бир йилда икки марта;

ишлаб чиқарилганига олти йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилганига олти йилдан ортиқ бўлган, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқ бўлмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)- бир йилда бир марта;

тиркамалар техник кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда;

навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан катъий назар, уларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги химати (кейинги ўринларда- ДЙҲХХ) органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида (биринчи марта рўйхатга олинаётган янги транспорт воситалари бундан мустасно).

4. Мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта - 1 март - 30 июнда;

иккинчи марта - 1 сентябрь - 31 октябрда ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бошқа транспорт воситаларининг техник кўриги 1январь - 31 декабргача ўтказилади.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига транспорт воситаларининг техник кўрикдан ўтказишда:

транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада (техник паспортда, техник талонда) кўрсатилган маълумотларга транспорт воситаси тури, маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари, шасси (рама), кузов ва двигателнинг идентификациялаш рақамларининг мувофиқлиги;

транспорт воситасининг техник ҳолати ва жихозлари техник регламентлар, стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги;

махсус ва тезкор хизматларнинг транспорт воситаларида махсус рангли ва овозли сигналлар қурилмаларнинг мавжудлиги, созлиги ва қонунийлиги,

шунингдек, транспорт воситасининг ранг-график бўяш схемаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига мувофиқлиги;

газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилишини таъминласин.

6. Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриги ДЙҲХХ органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар томонидан Низомга мувофиқ ўтказилади ҳамда тегишли йиғим ундирилади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш учун ДЙҲХХ органлари томонидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг техника базалари, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тегишли ML тоифадаги транспорт воситалари фақат тадбиркорлик субъектлари томонидан техник кўрикдан ўтказилади.

7. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга техник кўрикдан ўтказиш жадвали асосида транспорт воситаларини техник жихатдан созлигини ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 9-мартдаги 125-сонли «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмаларининг транспорт воситалари мазкур идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

9. Туман ҳокимининг 2021-йил 20-декабрдаги «Туманда 2022-йилда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги 112-5-73-Қ/21-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Худойқулов зиммасига юклатилсин.

Навбаҳор тумани ҳокими в.в.б

Soibnazarovich J. M.

Navbahor tuman hokimining
2023 yil 9 yanvardagi
2-5-73-Q/23-son qaroriga
1-ilova

Туманда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси

Т А Р К И Б И

Комиссия раиси:

У.Шукуров Навбаҳор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари:

У.Халимов - Навбаҳор тумани ички ишлар бўлими ЙҲХБ катта инспектори

Ж.Абдуллаев Навбаҳор тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

К.Жалилов - Навбаҳор тумани экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси

Б.Рахимов Транспорт вазирлиги Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи

Комиссия котиби:

Ш.Жўрақулов - Туман ҳокимлиги бош мутахассиси

Navbahor tuman hokimining
2023 yil 9 yanvardagi
2-5-73-Q/23-son qaroriga
2-ilova

2023-йилда тумандаги автокорхоналар, фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини мажбурий давлат техник кўригидан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

Т/Р	Автокорхона ва ташкилотлар номи	Т/курик санаси	Т/курик утказиш жойи	Т/курик утказиш вакти	Т/в сони
1	Навбахор туман Хокимяти	04.03.2023	ЙХХГ биносида	10:00	10
2	Навбахор тумани марказий шифохонаси	1-боскич 07.03.2023 2-боскич 02.09.2023	ЙХХГ биносида	10:00	5
3	Навбахор ТЙФУК	1-боскич 10.03.2023 2-боскич 04.09.2023	Корхонада	10:00	15
4	Ветеринария	12.03.2023	ЙХХГ биносида	10:00	1
5	Навбахор туман Ободонлаштириш бошкармаси	1-боскич 13.03.2023 2-боскич 06.09.2023	Корхонада	10:00	11
6	Навбахор туман Электр тармоклари корхонаси	1-боскич 16.03.2023 2-боскич 09.09.2023	Корхонада	10:00	8
7	Навбахор ТЭК	1-боскич 01.04.2023 2-боскич 11.09.2023	Ташкилотда	10:00	5
8	Навоий ТЭК МЧЖ	1-боскич 02.04.2023 2-боскич 12.09.2023	Ташкилотда	10:00	53
9	Кармана автоэкспрес МЧЖ	1-боскич 05.04.2023 2-боскич 14.09.2023	Ташкилотда	10:00	15
10	Гиёсбек Йуловчи транс МЧЖ	1-боскич 09.04.2023 2-боскич 16.09.2023	Ташкилотда	10:00	9
11	Ок-олтин маштранс МЧЖ	1-боскич 12.04.2023 2-боскич 18.09.2023	Ташкилотда	10:00	5
12	Хамидбек транс МЧЖ	1-боскич 14.04.2023 2-боскич 20.09.2023	Ташкилотда	10:00	3
13	Навбахор йуловчи транс МЧЖ	1-боскич 15.04.2023 2-боскич 23.09.2023	Ташкилотда	10:00	23
14	Амриддин Сармиш МЧЖ	1-боскич 19.04.2023 2-боскич 25.09.2023	Ташкилотда	10:00	3
15	Наргиза Шахризода МЧЖ	1-боскич 21.04.2023 2-боскич 25.09.2023	Ташкилотда	10:00	16
16	WORLD AND BILLION МЧЖ	1-боскич 24.04.2023 2-боскич 27.09.2023	Ташкилотда	10:00	10
17	Акмал Нур транс МЧЖ	1-боскич 26.04.2023 2-боскич 30.09.2023	Ташкилотда	10:00	10
18	Сарбозор Равон йуловчи транс МЧЖ	1-боскич 28.04.2023 2-боскич 02.10.2023	Ташкилотда	10:00	18
19	Калкон Йуловчи транс мчж	1-боскич 29.04.2023 2-боскич 03.10.2023	Ташкилотда	10:00	12
20	Мирзабек йуловчи транс МЧЖ	1-боскич 01.05.2023 2-боскич 04.10.2023	Ташкилотда	10:00	9
21	Янгиобод транс Мчж	1-боскич 03.05.2023 2-боскич 02.10.2023	Ташкилотда	10:00	18
22	Ок олтин Карвон Транс МЧЖ	1-боскич 06.05.2023 2-боскич 06.10.2023	Ташкилотда	10:00	13
23	Учтут Навбахор курки Мчж	1-боскич 07.05.2023 2-боскич 09.10.2023	Ташкилотда	10:00	18
24	Ок тулпор Мчж	1-боскич 10.05.2023 2-боскич 10.10.2023	Ташкилотда	10:00	5
25	Хуршид Йуловчи транс Мчж	1-боскич 13.05.2023 2-боскич 12.10.2023	Ташкилотда	10:00	9
26	Авто Юлдуз Мчж	1-боскич 14.05.2023 2-боскич 14.10.2023	Ташкилотда	10:00	5
27	Салимбек Пахлавон Мчж	1-боскич 17.05.2023 2-боскич 17.10.2023	Ташкилотда	10:00	5
28	Янгиобод транс МЧЖ	1-боскич 20.05.2023 2-боскич 18.10.2023	Ташкилотда	10:00	18
29	Навбахор туман Истиклол касб хунар мактаби	21.05.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3

30	Жой Пувер Х/К	24.05.2023	ЙХХГ биносида	10:00	4
31	Кизилкум хамкор МЧЖ	25.05.2023	ЙХХГ биносида	10:00	10
32	Навбахор тумани МТМ	1-боскич 28.05.2023 2-боскич 19.10.2023	ЙХХГ биносида	10:00	1
33	Мадамин Муслим ф/х	30.05.2023	ЙХХГ биносида	10:00	6
34	Янгиер ф/х	31.05.2023	ЙХХГ биносда	10:00	3
35	Навбахор туман УСТК	01.06.2023	Корхонада	10:00	7
36	Салим чули ф/х	02.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	4
37	Навбахор туман Махалла хайрия жамгармаси	03.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	2
38	Машхура Рушана Истикболи о/к	04.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3
39	Дустлик тупроги барака Мчж	06.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3
40	Юлдошов Ибот Бобо Ф/Х	07.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	2
41	Парадокс Ф/Х	08.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	5
42	Навбахор тумани СЭО	1-боскич 09.06.2023 2-боскич 21.10.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3
43	Навбахор тумани сув таъминоти	10.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3
44	Навбахор махсус пудрат мчж	13.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	4
45	Вохид Сухроб х/к	14.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3
46	Кухна Бешработ х/к	15.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	5
47	Туман урмон хужалиги	16.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	5
48	Куйи Зарафшон ташкилоти	1-боскич 17.06.2023 2-боскич 23.10.2023	Корхонада	10:00	20
48	Навбахор тоза худуд ташкилоти	1-боскич 19.06.2023 2-боскич 24.10.2023	Корхонада	10:00	23
50	Бунёдкор Навбахор Мчж	1-боскич 20.06.2023 2-боскич 25.10.2023	ЙХХГ биносида	10:00	6
51	Насибали Олтин Баликча Х/К	21.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	4
52	Кармана Мохир Курувчи МЧЖ	1-боскич 22.06.2023 2-боскич 26.10.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3
53	Саксонов МЧЖ	1-боскич 23.06.2023 2-боскич 27.10.2023	Корхонада	10:00	9
54	Жозибали Курилиш Монтаж МЧЖ	1-боскич 24.06.2023 2-боскич 28.10.2023	Корхонада	10:00	14
55	Навоий Роисон фирмаси	26.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	2
56	HEATING RADIATOR МЧЖ	27.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	5
57	Эшкувватов Кахрамон Ф/Х	28.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3
58	Тойир кизи Хабиба Ф/Х	29.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	3
59	Навбахор тумани Халк Банки	30.06.2023	ЙХХГ биносида	10:00	5
61	Навбахор туман Бандликка Кумаклашиш маркази	15.07.2023	ЙХХГ биносида	10:00	5
62	Навбахор Авто Салтанат Мчж	17.07.2023	Ташкилотда	10:00	3
63	Автокартинг Навбахор Мчж	22.07.2023	ЙХХГ биносида	10:00	5
64	Ок олтин извест Мчж	26.07.2023	ЙХХГ биносида	10:00	2
65	Навбахор тумани Агробанк	30.07.2023	ЙХХГ биносида	10:00	2
66	Хар хил турдаги ташкилот ва Ф/Хужаликлари	31.07.2023 30.12.2023	ЙХХГ биносида	10:00	246